

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олниди

№ 334

201 8 йил



**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ИККИНЧИ ТИЛГА  
ЎРГАТУВЧИ ЎҶИТУВЧИЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАЗМУНИ,  
СИФАТИ ВА УЛАРНИНГ ТАЙЁРГАРЛИГИ ҲАМДА  
КОМПЕТЕНТЛИГИГА ҚЎЙИЛАДИГАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ**

Тошкент – 2018

**Мактабгача таълим муассасалари иккинчи тилга ўргатувчи ўқитувчилар малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган**

**МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ**

**1. Умумий қоидалар**

Малака ошириш сифати тингловчилар тайёргарлигининг зарур ва етарли даражаси, уларнинг билимлари ва амалий маҳоратларини педагог кадрларга қўйиладиган малака талабларига мувофиқлиги билан белгиланади.

Мактабгача таълим муассасалари педагог кадрларини малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган малака талаблари тегишли йўналишлар бўйича ўқув режалари ва дастурларини, шунингдек, қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаларининг ўқув жараёнини, таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолаш тартиби ҳамда бошқа хужжатларни ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

**2. Мактабгача таълим муассасалари иккинчи тилга ўргатувчи ўқитувчиларининг тайёргарлиги ва компетентлигига қўйиладиган умумий талаблар**

**Иккинчи тилга ўргатувчи ўқитувчилар қўйидаги йўналишларда билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши лозим:**

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари ва уларнинг мазмун-моҳиятини;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълимга оид меъёрий-хуқукий хужжатлар мазмунини билиш ва тушуна олиш;

таълим соҳасидаги давлат сиёсати ва уни амалга ошириш бўйича таълим муассасаларининг вазифаларини тушуниш;

таълим муассасаларининг оила, жамоат, нодавлат, давлат ташкилотлари ва таълим муассасалари билан муносабатларининг хуқукий жиҳатларини;

мактабгача таълим давлат талаблари, шунингдек, мазкур йўналиш бўйича ўқув дастури моҳиятини билиш ва тушуна олиш;

илғор хорижий тажрибалар асосида болаларни ижтимоий, шахсий, ҳиссий, нуткий, математик, физио-психологик, жисмоний ва ижодий ривожлантириш бўйича таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

мактабгача таълимда тарбиявий фаолиятни ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методларини билиш ва амалда қўллай олиш;

тарбияланувчилар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш;

таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданиятига эга бўлиш;

чет тиллардан биттасида сўзлашув нутқи асосларини ўзлаштириш;

ривожланган хорижий давлатлар, жумладан Жанубий Корея мактабгача таълим муассасалари илғор тажрибаларидан фойдаланиш;

ота-оналар билан болаларни ўқитиши масалалари бўйича ўзаро мулоқот қилиш, уларни таълим фаолияти билан шуғулланиш, шу жумладан, оиласвий таълим лойиҳаларини яратиш орқали мулоқотга жалб қилиш;

иктидорли тарбияланувчиларни аниқлаш, танлаш ва улар билан ишлаш методларини амалда қўллаш;

мустақил таълим олиш йўли билан ўз билимларини такомиллаштириш методларини билиш ва амалда қўллаш;

касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириш, уз лавозими бўйича мустақил фаолият кўрсатиш.

**Мактабгача таълим муассасалари иккинчи тилга ўргатувчи ўқитувчилар қўйидаги йўналишларда компетентликка эга бўлиши лозим:**

**Хуқуқий компетентлик** - таълимнинг норматив-хуқуқий ҳужжатларини, қонунчилик нормаларини билиш ҳамда касбий фаолиятда самарали фойдалана олиш, локал норматив-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қонунчилик нормалари доирасида қарорлар қабул қилиш.

**Касбий компетентлик** – педагогик фаолиятдаги реал вазиятларда учрайдиган касбий педагогик муаммо ва вазифаларнинг самарали ечимини таъминлайдиган методик усуллар, замонавий таълим технологиялари, педагогик диагностика (индивидуал, фронтал, грухий, аралаш) технологиялари, психологик ва педагогик коррекция, дидактик воситаларни қўллай олиш ва доимий такомиллаштириб бориш; таълим олувчилар билан ўкув машғулотларини ташкиллаштиришга йўналтирилган замонавий таълим ва инновацион технологияларга доир креатив ғоялар, илғор хорижий тажрибалар, янги адабиёт, шунингдек, бошқа маълумотларни ўзлаштириш ҳамда қўллаш.

**Информацион компетентлик** - педагогнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситасида шахсий ва касбий фаолияти билан боғлиқ маълумот, ахборотларни мустақил излаш, таҳлил қилиш, танлаш, қайта ишлаш ва зарур ахборотларни узатиш ҳамда соҳага мослаштириш, мустақил билиш фаолиятини доимий ривожлантириш, масофавий таълим ва

мультимедиа технологиялари, Интернет глобал тармоғидан, электрон таълим ресурсларидан ўқув мақсадларини амалга оширишда самарали фойдаланиш.

**Коммуникатив компетентлик** - таълим жараёнида самарали мулоқотни таъминлайдиган, турли ёшдаги таълим олувчилар, ота-оналар, ҳамкаслар, ходимлар билан мулоқот ўрнатиш, инсонлар билан ўзаро ҳамкорликда стратегия, тактика ва техникани шакллантиришни билиш, ижтимоий аҳамиятга эга мақсадларни амалга оширишда уларнинг ҳамкорлик ҳаракатларини ташкил этиш, ўз қарашларини ҳимоя қила олиш, нотиклик санъати, оғзаки ва ёзма нутқ саводхонлиги, тақдимотларнинг самарали шакл ва методларини танлай олиш.

### **3. Малака ошириш курсининг тасдиқланган намунали ўқув режасининг таркибидан келиб чиқиб мактабгача таълим муассасалари иккинчи тилга ўргатувчи ўқитувчиларига қўйиладиган малака талаблари**

#### **3.1. “Ўзбекистонда таълим-тарбия жараёнларининг хукуқий-меъёрий асослари” бўйича**

##### **Иккинчи тилга ўргатувчи ўқитувчилар:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мактабгача таълимга оид фармонлари, қарорлари ҳамда фармойишларининг моҳияти ва уларда белгиланган устувор йўналишларни;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг мактабгача таълимга оид қарорларини;

мактабгача таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш сиёсатининг мазмун-моҳиятини;

махсус ваколатли давлат органларнинг буйруқлари мазмунини;

ѓоявий-мафкуравий жараёнларнинг глобаллашув шароитида таълим-тарбия тизими олдидаги вазифаларни билиши;

мактабгача таълим тизими муаммолари ва уларнинг ривожланиш истиқболларини таҳлил қилиш;

норматив-хукуқий ҳужжатлар асосида фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириб бориш;

мактабгача таълим тизимини ислоҳ этиш бўйича белгиланган вазифаларни амалиётда қўллаш кўникмаларига;

таълим-тарбия жамият ривожининг муҳим омили эканлигини англаш ва тушунтира билиш;

мактабгача таълим тизимида болаларнинг ҳукуқ ва эркинликларини тарғиб қилиш бўйича белгиланган вазифаларни амалиётда қўллаш малакаларига;

меъёрий-хукуқий ҳужжатлар асосида таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш;

мактабгача таълимнинг кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш жараёнида фаол иштирок этиш;

касбий фаолиятида эркин, ижодий мухитни ташкил эта олиш компетенцияларига эга бўлиши лозим.

### **3.2. “Таълим-тарбия технологиялари ва педагогик маҳорат” бўйича Иккинчи тилга ўргатувчи ўқитувчилар:**

мактабгача таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишларини;

мактабгача таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишининг шакл, метод ва воситаларини;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва уларнинг турларини;

инглиз тилида танишув ва таништирув ҳамда кундалик ҳаётда қўлланиладиган сўз ва ибораларни;

касбий фаолиятига тааллуқли илғор хорижий тажрибаларни билиши;

илғор тажрибалар, замонавий ёндашувларни таҳлил этиш ва улардан фаолиятда самарали фойдаланиш;

таълимнинг инновацион шакл, метод ва воситаларидан ўқув жараёнида фойдалана олиш;

инглиз тилида танишув ва таништирув ҳамда кундалик ҳаётда қўлланиладиган сўз ва ибораларга оид берилган саволларни тушуниш;

тарбияланувчиларнинг билиш жараёнларини фаоллаштириш ва жадаллаштириш асосидаги дидактик ўйинли технологияларни машғулотлар жараёнига татбиқ этиш қўнималарига;

инглиз тилида танишув ва таништирув мавзусидаги кичик матнларни ўқиш ва саволларга жавоб бериш;

компьютер тармоқлари, Интернет тармоғи, электрон почта ва тармоқ технологиясидан мустақил фойдалана олиш;

мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш;

педагогик фаолиятда амалий дастурлар, педагогик дастурий воситаларни қўллашни;

замонавий талаблар асосида ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши малакаларига;

мультимедиа тизимларидан ўқув жараёнида фойдаланиш малакаларига;

жаҳон тажрибасида мавжуд инновацион таълим-тарбия технологиялардан хабардор бўлиш ва касбий фаолиятда фойдаланиш;

тарбияланувчилар билан индувидуал ва гурухий шаклда ишлаш компетенцияларига эга бўлиши лозим.

### **3.3. “Мактабгача ёшдаги болаларнинг физиологик ва психологик хусусиятлари” бўйича**

#### **Иккинчи тилга ўргатувчи ўқитувчилар:**

таълим-тарбия жараёнида дифференциал ёндашув асосида болалар ривожланишининг биологик ва ижтимоий омиллари ролини;

боланинг индувидуал ривожланиш хусусиятларини психологик жиҳатдан таҳлил қилиш;

боланинг мактабга етуклик жиҳатларини психологик хусусиятини;

боланинг билиш жараёнларини ташкил этишда ўйин фаолиятининг аҳамиятини билиши;

боланинг билишга қаратилган мотивациясини ривожлантирувчи ўқув машғулотлари дастурини яратиш ва амалда қўллаш кўнимкамларига;

таълим-тарбияни ташкил қилишда бола индивидуал психологик хусусиятларини ҳисобга олиш;

боланинг ақлий ва жисмоний ривожланишини таъминлаш учун дидактик ўйинларни қўллаш;

педагогик фаолият самарадорлигини ошириш учун ўз устида ишлаш малакаларига;

тарбияланувчиларнинг ўқув фаолияти билан боғлиқ қийинчиликларига педагогик ва психологик ёрдам кўрсатиш;

боланинг ақлий ва жисмоний ривожланишини таъминловчи машғулотларни ташкил этиш компетенцияларига эга бўлиши лозим.

### **3.4. “Мутахассислик фанлари” бўйича**

#### **Иккинчи тилга ўргатувчи ўқитувчилар:**

таълим соҳасидаги инновацион фаолият асосларини;

мактабгача таълим муассасаларида иккинчи тилга ўргатиш методикасини ўқитишида қўлланиладиган замонавий ёндашувлар ва инновацияларни;

болаларни иккинчи тилга ўргатишнинг ўзига хос хусусиятлари ва ўқитиши методларини;

машғулот ишланмаларини ишлаб чиқишига қўйиладиган замонавий талабларни;

иккинчи тилга ўқитишида иқтидорли болалар билан ишлаш методларини;

иккинчи тилга ўргатишида қўйиладиган ҳозирги замон талабларини билиши;

мактабгача таълим муассасаларида иккинчи тилга ўргатиш методикасининг мазмуни, воситалари, методлари ва шаклларининг узвийлиги ва изчиллигини таъминлаш;

иккинчи тилга ўргатиш машғулотларида таълим ресурсларидан фойдаланиш;

иккинчи тилга ўқитишда иқтидорли болалар билан ишлаш методларини фаолиятида қўллаш;

ўқитиши мазмунига оид ахборотларни қайта ишлаш, умумлаштириш ва тарбияланувчиларга етказиш кўникмаларига;

болаларни иккинчи тилга ўргатиш машғулотларида замонавий инновацияларни қўллаш;

иккинчи тилга ўргатишида машғулотдан ташқари ишларни ташкил қилиш;

иккинчи тилга ўргатишида машғулотларига қўйиладиган замонавий талаблар асосида машғулотларни ташкил этиш малакаларига эга бўлиши;

замонавий ёндашувлар ва инновациялардан касбий фаолиятда фойдаланиш;

фаоллик марказларида иккинчи тилга ўргатувчи ўқитувчининг тарбиячи билан ҳамкорлигини ташкил этиш;

иккинчи тилга ўргатувчи ўқитувчи замонавий талаблар даражасида машғулотларни ташкил қилиш ва ўтказиш;

тарбияланувчилар билан индивидуал ва грухий шаклда ишлаш каби компетенцияларига эга бўлиши лозим.

#### **4. Яқуний қоида**

Мазкур малака талаблари ижтимоий-иктисодий соҳанинг устувор йўналишлари ва вазифаларидан келиб чиқиб такомиллаштириб борилади.

